Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensi... DOI: 10.5281/zenodo.24316495

ko’radigon bo’lsak, 2023-yilning yanvar-dekabr oylarida viloyatimizning iqtisodiy holatini o‘zida aks ettiruvchi statistik ma’lumotlar bilan tanishtirib o‘tsam.

- 2023- yilning yanvar-dekabr oyi yakunlariga ko‘ra Andijon viloyati bo‘yicha yalpi hududiy mahsulot hajmi joriy narxlarda 68 trln 223,4 mlrd so‘mni tashkil etgan.

Bu ko’rsatkich 2022-yilning yanvar-dekabr oyi yakunlariga ko’ra 54 trln 464 mlrd so‘mni tashkil etgan. Bu esa undan oldingi yilga nisbatan 5,1 foizga oshganini ko’rsatadi.

Doimiy aholi soni 2024-yil 1-yanvar holatiga ko’ra 3 394 379 nafarni tashkil etadi. 2023-yilning yanvar-dekabr holatiga ko’ra aholi jon boshiga yalpi hududiy mahsulot hajmi 20 313,6 so’mni tashkil qilgan, bu ko’rsatkich 2022-yil holatiga ko’ra 17 179,6 so’mni tashkil qilgan.

Bundan tashqari Andijon viloyatining MDH mamlakatlari bilan tashqi savdo aylanmasi 2024-yil yanvar holatiga ko’ra, 72,4 mln. AQSh dollarni tashkil etdi. Shundan eksport 51,4 mln. AQSh dollariga yetgan bo’lsa, import 21,0 mln. Dollari qiymatida qayt etilgan. Bu ko’rsatkichlar Andijon viloyatida aholi daromadi yildan-yilga o’sib borayotganini ko’rsatmoqda. Shuni takidlab aytish joizki aholi daromadini oshirish ularni bandligini ta’minlash uchun aholi orasida tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish, ularga kasb-hunar o’rgatish eng muhim vazifalar hisoblanadi. Mamlakatda aholi daromadlarining oshib borishi o‘z navbatida ular turmush sharoiti va sifatining bosqichma-bosqich yaxshilanib borishiga zamin yaratmoqda.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki Aholi turmush darajasi tushunchasini ularning hayot kechirishi uchun zarur bo‘lgan moddiy va ma'naviy ne'matlar bilan ta’minlanishi hamda kishilar ehtiyojining bu ne'matlar bilan qondirilishi darajasi sifatida tariflash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murijaatnomasi”, 30-dekabr 2020-yil, №271-272.
2. O’zbekiston respiblikasi Statistika Qo’mitasi ma’lumotlari http://stat.uz
3. Andijon viloyati Statistika Qo’mitasi ma’lumotlari http://andstat.uz
4. O’zbekiston Respublikasi Milliy qonunchilik bazasi http://lex.uz

БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Сайдакбарова Мадинахон Анисбековна
ТДИУ, Андижон факультети “Мутахассислик фанлари” кафедраси ассистенти

Аннотация: *Мазкур мақолада бюджет-солиқ сиёсатини барқарор иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашга бағишланган бўлиб, унда бюджет-солиқ сиёсатининг барқарор иқтисодий ўсишга таъсирининг мазмун-моҳияти очиб берилган, аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш,*

Published: 17.05.2024

Cite this article: Сайдакбарова Мадинахон Анисбековна (2024). Бюджет-солиқ сиёсатининг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири. Emro Science and Education, 1(3). https://doi.org/10.5281/zenodo.24316495

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

таълим сифатини ошириш асосида инсон капиталини ривожлантириш, фискал сиёсатни такомиллаштириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, диссертацияда иқтисодий ўсишни кўрсатувчи ЯИМ ҳажми, инвестициялар, меҳнат ресурслари, бандлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар баҳоланган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсир этувчи омилларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш каби масалаларга устувор даражада аҳамият қаратилмоқда.

Калит сўзлар: *бюджет-солиқ сиёсати, балансланштирилган бюджет, солиқ мультипликатори, барқарор иқтисодий ўсиш, ялпи ички маҳсулот, макроиқтисодий барқарорлик, инвестициялар, аҳоли даромадларини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш*

Annotation:*This article is devoted to assessing the impact of fiscal policy on sustainable economic growth, reveals the essence of the impact of fiscal policy on sustainable economic growth, the development of human capital based on increasing the income of the population. population and poverty reduction, improving the quality of education, improving fiscal policy Special attention is paid to ensuring economic growth. Also in the dissertation, indicators of the volume of GDP, investment, labor resources, employment, indicating economic growth, were analyzed, and the factors influencing economic growth were evaluated. Today in Uzbekistan, priority attention is paid to such issues as ensuring economic growth and improving the quality of life of the population, studying the factors influencing sustainable economic growth from a scientific and practical point of view.*

Keywords*: fiscal policy, balanced budget, tax multiplier, sustainable economic growth, gross domestic product, macroeconomic stability, investment, increase in household income, development of human capital.*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий пиравард мақсади мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топишидан хамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборатдир. Ушбу жараёнда бюджет-солиқ соҳасини янада такомиллаштириш, барқарорлаштириш ҳамда уларнинг мувофиқлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг замонавий босқичида, иқтисодий ўсишга эришиш учун Макроиқтисодий сиёсатнинг янги устувор вазифаларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан макросиёсатни тартибга солишда ҳамда бу орқали иқтисодий ўсишга эришишда, бюджет – солиқ сиёсатининг мувофиқлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиётининг бир-бирига боғлиқлиги ортиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг очиқлигини таъминлаш, хоҳлаймизми, йўқми, барибир давлат қарзи

масаласини келтириб чиқаради. Чунки миллий иқтисодиётимизни тез суръатларда ўстириш эвазига аҳоли жон бошига ЯИМни 2026 йил якуни билан 2,8 минг АҚШ долларига, 2030 йилга бориб эса 4 минг АҚШ доллари миқдорига етказиш жуда катта, масъулиятли ва оғир вазифа ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодиётимиз ички ва ташқи қарз манбаларига муҳтож. Чунки ижтимоий ривожлантириш, инфраструктурани замон талаблари даражасида шакллантириш ҳамда атроф-муҳитни сақлаш, экологик вазият билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш замонавий лойиҳаларни амалга оширишни, технологиялар, қўшимча инвестициялар жалб қилишни талаб этади.

Бу ўринда қайд этиш лозимки, “Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “дарамади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини кенг қамровли модернизациялаш тадбирлари амалга оширилиши натижасида мамлакат ижтимоий – иқтисодий барқарорликка эришмоқда. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган самарали иқтисодий сиёсат натижасида юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг ички ва ташқи секторлари мутоносиблигини таъминлаш борасида:

- қаттиқ пул-кредит ислоҳоти натижасида сўнги 10 йил мобайнида йиллик инфляция даражаси 9-11% атрофида сақланиб қолинмоқда;
- самарали бюджет-солиқ сиёсати натижасида сўнги йилларда мамлакат бюджети профицит билан якунланмоқда;
- иқтисодиётни модернизациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдони ташкил этмоқда.

Иқтисодий ўсиш миллий иқтисодиётнинг доимий ривожланиш динамикасидир. Иқтисодий ўсиш микроиқтисодий ва макроиқтисодий даражада юз беради. Микроиқтисодий ўсиш – бу корхона, фирма ёки алоҳида тармоқ доирасидаги ўсиш бўлиб, муайян гуруҳий фаолиятнинг натижасидир. Макроиқтисодий ўсиш эса бутун жамият, давлат миқёсидаги иқтисодий ўсишдир. У жамият ишлаб чиқариш фаолиятини намоён этади. Иқтисодий ўсиш натижасига қараб жамият ёки мамлакатнинг иқтисодий вазиятини тасаввур қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бюджет ижросининг амалдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетлар ҳукуматнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсатини амалга оширишда мавқеини янада кўтаришга сабаб бўлаётган қатор омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг асосида бюджет харажатларини тўғри ва оқилона тарзда сарфланиши ва бюджет тушумларининг янги манбаларни қидириб топишга рағбатлантиришни таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта масъулиятли вазифаларни самарали бошқарилиши талаб этмоқдаки, ушбу вазифанинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир.

Биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки ҳудудий иқтисодиёт муаммолари кескинлашувининг олдини олинишидир, иккинчидан маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда улар имкониятларини яхшилашнинг зарурлигидир. Ушбу ҳар икки жиҳатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргаликда олиб борилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги ўта муҳим муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради.

Маълумки, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа механизмлар билан тартибга солинади. Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва ҳуқуқий базани таъминлаш вазифаларини бажаради. Ҳуқуқий базаларни таъминлаш юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқ бериш ва уларни мажбуриятларини белгилаш ва бошқа соҳаларда намоён бўлади. Айниқса, маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш, ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрларни белгилаш ва корхоналарнинг фаолият кўрсатишлари учун тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш тегишли давлат ташкилотларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Бюджет тизимининг барча харажатлари турли бюджетлар ўртасида тақсимланиб, бу у ёки бу харажатни муайян бюжетга киритилишини англатади. Бу биринчидан молиялаштирилаётган муассасанинг республика ва маҳаллий органларга қарашли бўлиши, иккинчидан молиялаштириладиган тадбирнинг аҳамиятидир.

Республика бюджети-давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. «Маҳаллий бюджет-Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шахар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир кисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади».

Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида Давлат бюджети даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида тушириш, республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини режалаштиришда ва харажатларни молиялаштиришда янги шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги тақчилликни ўсишига таъсир кўрсатувчи сабабларни олдини олиш, иш хақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этиш

масалалари туради. Биз биламизки, барча ҳуқуқлар сингари молия ҳуқуқининг асосий манбаи Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва низомлар ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир қанча қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг йўриқномалари қабул қилинган.

Харажатларни бюджет маблағлари ҳисобига қоплаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатнинг биринчи қатнашчиси бу-давлат манфаатларини ифода этувчи ва давлат номидан маблағларини берувчи молия ташкилотидир. Бюджет харажатларини айрим турларини белгилаш, чораклар бўйича тақсимлаш, кредит очиш, кредитни чақириб олиш, бюджет маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш молия идоралари томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджети харажатлари давлат бюджети орқали ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш жараёни содир бўлади. Давлат бюджети харажатларининг миқдори ва унинг структураси давлатнинг жамиятда олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларига бевосита боғлиқдир. Чунки, давлат бюджети харажатлари давлатнинг функция ва вазифаларини молиявий таъминлайди.

Иқтисодий ислоҳотларнининг ҳозирги шароитида бюджет –солиқ сиёсатини барқарор иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашга бағишланган ушбу мақоланинг пировардида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторларидан натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда фойдаланиш хар иккала вазифани бажарилишини мувофиқлаштиришга, тезлаштиришга, сифатини яхшилашга, вақт ва маблағ сарфини камайтиришга ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига хизмат қилади.
2. Мамлакатда фискал сиёсатнинг барқарорлиги таъминланиши макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг кафолати бўлиб, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва ривожлвнтириш дастурларини мувоффақиятли амага оширишда зарурий шароит ҳисобланади.
3. Солиқ юкининг камайтирилиши аҳоли ҳамда юридек шахслар омонатларини узоқ муддатли инвестицияларга айланиши учун керакли шароит яратади ҳамда ички бозордаги нархлар номутоносиблигини камайтириб мавжуд ресурсларнинг самарали тақсимланишига ва давлат фискал сиёсатининг иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган механизмини такомиллаштиришга хизмат қилади.

3. Давлат бюджети ҳаражатлари таркибида мавжуд аммо, барқарор ривожланиш миллий мақсадлари таркибида бўлмаган ҳаражатларни танқидий қайта кўриб чиқиш.

4. Нафақат давлат бюджетини балки, бюджет тизими бюджетлари маълумотларини миллий мақсадларга боғлиқлигини баҳолаш.

5. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш асоси сифатида миллий мақсадларга (вазифалари ва индикаторлари) эътибор қаратиш ва уларни ўзаро боғлиқ ҳолда амалга киритиш бўйича тадқиқот ўтказиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. 2022 йил 28 январь. -www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони. 2019 йил 23 октябрь. – www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-92-сон Қарори. // Халқ сўзи, 2018 йил 8 май.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

O‘ZBEKISTONDA QISHLOQ XO‘JALIGINI RIVOJLANTIRISHDA AGROKLASTER FAOLIYATINI O‘ZIGA XOS JIHATLARI

O.X.Maxmudov
TDIU Andijon fakulteti
“Ijtimoiy-gumanitar fanlari kafedrasi” proofessori i.f.d
I.Xolmirzayev
Andijon mashinasozlik instituti tadqiqotchisi
X. Sarimsaqov
TDIU Andijon fakulteti BIA 60/23 talabasi

Respublikamiz iqtisodiyoti rivojlanishida qishloq xo‘jaligi bugungi kunda tarkibiy jihatdan o‘zgarib bormoqda. Qishloq xo‘jalik tarmoqlarini rivojlanishi ishlab chiqarish va unga xizmat ko‘rsatuvchi sohalarining bir-biri bilan o‘zaro ta’siri orqali sodir bo‘ladi**. Bunday ta’sir uzviy bog‘langan t**exnologik jarayonlarga xosdir. Insoniyat tarixi va taraqqiyoti bo‘lgan qishloq xo‘jaligi hozirgi kunda ham alohida ahamiyatga ega. Iqtisodiy sohada ham, jamiyatning boshqa sohalarida qishloq xo‘jaligi ijtimoiy rivojlanishning eng muhim sohalaridan biri bo‘lib kelayotganligini ko‘rishimiz mumkin.

Ayni paytda, Respublikamizdagi tarkibiy qismi hisoblangan qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlanishini ta’minlash, iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayonida qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish sohalari integratsiyasini rivojlantirishni talab etmoqda.